



ЎЗБЕКИСТОНДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШДА ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a10](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a10)

Жумаев Нодир Хосиятович -

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати,

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси ректори маслаҳатчиси, и.ф.д., профессор.

Ризаев Нурбек Кадинович -

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси кафедра мудири, и.ф.д., профессор

Исаев Фахриддин Икромович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги

«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг

илмий асослари ва муаммолари» илмий тадқиқот

маркази директор ўринбосари, и.ф.д., доцент

Аннотация. Туркий давлатлар ташкилотига (ТДТ) аъзо мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлигининг истиқболлари, жумладан ўзаро боғлиқликни кучайтириш, туризм, саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришда мамлакатлар ўртасида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни ҳам ўзаро интеграциясини таъминлашга қаратилган фикрлар келтириб ўтилган. Шунингдек, Республикада бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимига доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги ПҚ-4611-сонли қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, шунингдек ТДТ аъзо мамлакатлари ўртасида бухгалтерия ҳисоби тизимининг ўзаро боғлиқ ва фарқли жиҳатлари бўйича хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: туркий давлатлар ташкилоти, ташқи савдо, ялпи ички маҳсулот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари, кичик ва ўрта бизнес, молиявий ҳисобот.

ОПЫТ ТЮРКСКИХ СТРАН ПО ГАРМОНИЗАЦИИ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА В УЗБЕКИСТАНЕ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ СТАНДАРТАМИ

Джумаев Нодир Хосиятович

Депутат Законодательной палаты

Олий Мажлиси Республики Узбекистан,

советник ректора Академии банковского дела и финансов

Республики Узбекистан, д.э.н, профессор.

Ризаев Нурбек Кадырович -

Заведующий кафедрой Банковско-финансовой академии

Республики Узбекистан, д.э.н, профессор.

Исаев Фахриддин Икромович -

Заместитель директора научно-исследовательского

центра «Научные основы и проблемы развития

экономики Узбекистана» при Ташкентском государственном

экономическом университете, д.э.н, профессор

Аннотация. Рассмотрены перспективы экономического сотрудничества стран-членов Организации тюркских государств (ОТГ), в том числе укрепление взаимозависимости, расширение сотрудничества в сферах туризма, промышленности, энергетики и сельского хозяйства, а также взгляды, направленные на обеспечение упоминается взаимная интеграция бухгалтерской и финансовой отчетности между странами. Также ведется работа по обеспечению выполнения задач, указанных в постановлении Президента Республики Узбекистан от 24 февраля 2020 года «Дополнительные меры по переходу на международные стандарты финансовой отчетности» по вопросам бухгалтерского учета и финансовой отчетности в нашей республике, а также между странами-участницами ТДТ. Сформированы выводы о взаимосвязанных и различных аспектах системы бухгалтерского учета.

Ключевые слова: организация турецких государств, внешняя торговля, валовой внутренний продукт, международные стандарты финансовой отчетности, национальные стандарты финансовой отчетности, малый и средний бизнес, финансовая отчетность.

THE EXPERIENCE OF THE TURKIC COUNTRIES IN THE HARMONIZATION OF ACCOUNTING IN UZBEKISTAN WITH INTERNATIONAL STANDARDS

Jumaev Nodir Hosiatovich -

Deputy of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, advisor to the rector of the Academy of Banking and Finance of the Republic of Uzbekistan, i.f.d., professor

Rizaev Nurbek Kadyrovich -

Head of the department of the Academy of Banking and Finance of the Republic of Uzbekistan, i.f.d. professor

Isaev Fakhridin Ikromovich -

Deputy director of the research center "Scientific foundations and problems of the development of the economy of Uzbekistan" under the Tashkent State University of Economics, i.f.d. professor

Abstract. *The perspectives of the economic cooperation of the member countries of the Organization of Turkic States (TDT), including the strengthening of interdependence, the expansion of cooperation in the fields of tourism, industry, energy and agriculture, and the views aimed at ensuring mutual integration of accounting and financial reports between the countries are mentioned. Also, the work being carried out to ensure the implementation of the tasks specified in the decision of the President of the Republic of Uzbekistan on February 24, 2020 "Additional measures on the transition to international standards of financial reporting" on the accounting and financial reporting system in our Republic, as well as between TDT member countries. Conclusions on interrelated and different aspects of the accounting system are formed.*

Key words: *Organization of Turkish States, foreign trade, gross domestic product, international standards of financial reporting, national standards of financial reporting, small and medium business, financial reporting.*

"Қадим туркий замин минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарбни туташтириб, жаҳон цивилизацияларини бир-бирига яқинлаштириб, дунё маданиятларини бойитиб келган. Биз Туркий дунё буюк тарихининг ёрқин саҳифалари улуг аждодларимиз томонидан биргаликда яратилгани билан ҳақли равишда фахрланамиз"

Шавкат Мирзиёев

Кириш. Маълумки, Европа ва Осиё ўртасидаги энг қисқа трансконтинентал йўналишлар туркий давлатлар орқали ўтади. Шунинг учун уларнинг бирлашуви ва интеграциялашуви нафақат транзит юк ташиш ҳажми ошишига олиб келади, балки Евроосиё қитъасининг барча мамлакатлари ривожланишига фаол ҳисса қўшади. Бугунги кунда Туркий давлатлар ташкилотига (ТДТ) аъзо ва кузатувчи давлатларнинг аҳолиси тахминан 150 миллион кишини ташкил этади, улар 4 миллион 200 минг квадрат километрлик катта ва муҳим геосиёсий ҳудудда жойлашган. Ташкилотга аъзо давлатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ҳам жуда салмоқли ҳисобланади. ТДТ мамлакатлари ялпи ички маҳсулоти 1,2 триллион долларни ташкил этади. Бу эса Осиё ялпи ички маҳсулотининг беш ярим фоизига тенг. Шу билан бирга, минтақа мамлакатлари иқтисодиёти жадал ривожланмоқда. Саноатнинг йиллик ўсиш суръати ўртача 8-12 фоизга тенг. ТДТдаги савдо айланмаси 21 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Ўзбекистон ТДТга 2019 йилнинг октябр ойида аъзо бўлиб кирган ва бу ташкилотда иштирок этишидан асосий мақсади аъзо ва

кузатувчи давлатлар ўртасидаги алоқаларни мутлақо янги шароитда савдо-иқтисодий, қишлоқ хўжалиги, транспорт, саноат кооперацияси, иқлим ўзгариши ва экология, рақамли технологиялар, маданият ва туризм ҳамда ёшлар сиёсати соҳаларида ҳамкорлик қилишдан иборат. Бу йўналишда мамлакатимиз йирик лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан манфаатдордир.

Статистик маълумотларга кўра, 2021 йилда Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар билан ташқи савдо айланмаси 8,3 миллиард АҚШ доллари, шундан экспорт ҳажми 3,1 миллиард, импорт ҳажми 5,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Шунингдек, ўтган йилнинг 9 ойига нисбатан Ўзбекистоннинг Қозоғистон ва Туркменистон портлари иштирокида юк ташиш ҳажми икки баробардан кўпроққа, яъни 337 мингдан тоннадан 701 минг тоннага ошган.

Маълумки, 2022 йилнинг 11-12 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилотининг янги форматда бўлиб ўтган Саммит натижалари бўйича ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилди. Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлигининг истиқболлари, жумладан ўзаро боғлиқликни кучайтириш, туризм, саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришда мамлакатлар ўртасида бухгалтерия ҳисо-

би ва молиявий ҳисоботларни ҳам ўзаро интеграциясини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ТДТ аъзо давлатлардаги бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимининг ҳолати ва юритилиш тартиби ҳамма учун ҳам қизиқарли бўлиши табиий.

Бугунги кунда жаҳондаги мавжуд бухгалтерия ҳисоби тизимида иккита эталон бор: *биринчиси*, АҚШнинг “Умумқабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари” (USGAAP - *Generally Accepted Accounting Principles*) бўлса *иккинчиси*, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари IFRS (*International Financial Reporting Standards*) ҳисобланади. Мазкур эталон бўйича ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобининг континенталь, Британ-америка, Жанубий-Америка ва ислом моделлари амал қилмоқда. ТДТга аъзо давлатларнинг бухгалтерия ҳисоби тизими ҳам мана шу икки эталон асосида танланган моделлар бўйича шакллантирилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Замоनावий шароитда молиявий ҳисобот энг тўлиқ, объектив ва ишончли маълумот базаси бўлиб, унинг асосида компаниянинг мулки ва молиявий ҳолати тўғрисида фикр юритиш мумкин [1].

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, бухгалтерия молиявий ҳисоботи очиқ маълумот манбаи бўлиб, унинг таркиби, мазмуни ва тақдимот шакллари асосий параметрлар бўйича бирлаштирилган, уни ўқиш ва таҳлил қилишнинг стандарт усуллари ишлаб чиқиш мумкин бўлади [2].

“Биз бухгалтерия ҳисоби стандартларининг ягона тўпламини қабул қилиш молия бозорларидаги ахборот зиддиятларини юмшатадими ёки бозор интеграциясини осонлаштирадими ёки йўқлигини эмпирик тарзда текширамиз. МХХСни қабул қилиш самараси бухгалтерия ҳисобини солиштиришда яхшиланишлар кузатилган мамлакатларда ва хорижий мулкдорлик кўпроқ ошган фирмаларда кучлироқдир. Умуман, бизнинг натижаларимиз кўрсатадики, бухгалтерия стандартларини уйғунлаштириш молия бозори интеграциясини осонлаштиради” [3].

Ҳисоботларни уйғунлаштириш, шунингдек, ахборотдан фойдаланувчилар учун транзакция харажатларини камайтириш учун жуда кўп талаб қилинган. Кейинчалик, бухгалтерия ҳисобининг сифати бўйича тадқиқотлар олиб борилганда, бухгалтерия маълумотларининг сифати фирма капитали қийматига таъсир қилиши аниқланди [4].

Таҳлил ва натижалар. Биз қуйида мазкур ТДТга аъзо давлатларда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни тузиш концепциясига тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби тизими Республикамизда қуйидаги икки босқич молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)га ўтиш ва унинг қоидаларига мувофиқлаштириш бўйича муҳим ислохотлар даврини бошлаб берди: *биринчи*, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замоनावий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва унинг 9-бандида 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботларини чоп этиши ва уни Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ва Аудитнинг халқаро стандартлари асосида ташқи аудитдан ўтказиши белгиланган эди. Мазкур ПФ-4720-сонли фармон билан акциядорлик жамиятлари ижро этувчи органига чет эллик менежерларни тайинлаш ҳуқуқи берилган. Мазкур ҳолат, яъни чет эллик менежерларни ва бошқа инвесторларнинг жалб этилиши, мазкур Акциядорлик жамиятлари билан ҳамкорлик қилаётган тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини ўрганиш ва танишиб чиқишга қизиқишини ортиради. Бу эса, тижорат банкларининг МХХС талаблари асосида тузилган йиллик молиявий ҳисоботларини ўз вақтида тузилишини тақозо этади.

иккинчи, 2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида МХХСга ўтиш тарихида янги саҳифа очган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4611 -сон қарорни имзолади. Қарорга мувофиқ МХХСга ўтиш зарурати шундаки, республикамиздаги мавжуд акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотларининг молиявий фаолияти ҳақида хорижий инвесторларни ишончли ва зарур ахборотлар билан таъминлаш, корхоналарни халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ва ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлашдан иборат. Шу мақсадда мажуд акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар:

- 2021 йил 1 январдан бошлаб МХХС асосида бухгалтерия ҳисобининг юритилишини ташкил этишлари;

- халқаро стандартларни сифатли қўллаш учун етарли бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминлашлари лозим.

Натижада бу рўйхатдаги ташкилотлар 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МХХС асосида тайёрлайди. Яъни молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформация қилади.

Шунингдек, *учинчи босқич* сифатида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)ни расмий Давлат тилига таржима қилиниши ҳамда амалиётда қўллаш учун қабул қилиниши (2022 йил апрель) ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлар учун Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари (МҲМС) ишлаб чиқиши (2022 йил сентябрь) бўлди дейиш мумкин.

Республикамизда молиявий ҳисобот тизими молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га мувофиқлаштириш бўйича Молия вазирлиги МҲХСни жорий этиш бўйича ваколатли орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаб келмоқда. Хусусан, ўтган вақт мобайнида вазирлик томонидан МҲХС Фонди билан 2020 йил 11 ноябрда МҲХС ҳужжатларини давлат тилига таржима қилиш ва бошқа тилларда фойдаланиш ҳуқуқини олишни назарда тутувчи битим имзолади. Мазкур битимнинг амалий ижроси сифатида Вазирлик томонидан “Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси” билан бирга жами 41 та халқаро стандартлар (МҲХС), 2 та стандартга ШДҚ шарҳи ҳамда 17 та стандартга МҲХСШҚ шарҳи давлат тилига таржима қилиниб, амалиётда қўллаш учун тавсия этилди (МҲХС бўйича экспертлар гуруҳи хулосаси бўйича). Натижада, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августда 507-сон қарори билан тасдиқланган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисида”ги низом МҲХС Фонди томонидан қабул қилинган МҲХС ва унга тушунтиришлар матнини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун тан олиш тартибини белгилаб берди.

Шунингдек, амалдаги 24 та бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини (БҲМС) умумлаштириш орқали халқаро стандартларга уйғунлашган Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартини (МҲМС) ишлаб чиқиш мақсадида МҲХС Фонди билан янги шартнома имзоланди. Натижада, Осие тараққиёт банки (ОТБ) Ўзбекистоннинг Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун МҲХС асосида молиявий ҳисобот тайёрлаш салоҳиятини ошириш мақсадида амалга оширилаётган кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш дастури доирасида Молия вазирлигини қўллаб-қувватлади.

МҲХС Фонди билан тузилган шартномага асосан Молия вазирлиги томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун МҲХС асосида (*IFRS for SMEs*) ишлаб чиқилган молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари (МҲМС) лойиҳа-

си 2024 йил 1 январдан амалиётга татбиқ этилиши режалаштирилди. Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун ишлаб чиқилган МҲМС (*IFRS for SMEs*) дан фойдаланувчиларга стандартни қуйидаги мақсадлар учун чоп этишлари учун рухсат беради:

- *фойдаланувчининг профессионал фойдаланиши;*

- *мустақил ўқиш ва таълим.*

Бу ерда профессионал фойдаланиш деганда фойдаланувчининг мижозларига фойдаланувчи бухгалтер сифатида ёки ташкилотга молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ёки молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш учун мазкур стандартни қўллаш мақсадида бухгалтерия хизматларини кўрсатиш фаолияти билан боғлиқ ҳолда фойдаланувчининг профессионал мақомида мазкур стандартдан фойдаланиш тушунилади. Шунингдек, профессионал фойдаланишдан ташқари бўлган фойдаланувчилар ўзаро келишилган шартлар ва келишувларга мувофиқ алоҳида индивидуал лицензия учун Молия вазирлиги ва МҲХС Фонди билан боғланишлари лозим.

МҲМС (*IFRS for SMEs*)нинг “*Умумий қисми*” 13 та бобдан иборат бўлиб, ундан стандартнинг мақсади, қўллаш доираси, концепциялар ва асосий тамойиллар, молиявий ҳисоботни тақдим этиш, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот, пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, молиявий ҳисоботга изоҳлар, консолидациялашган ва алоҳида молиявий ҳисобот, ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолари ва хатолар, ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар ҳамда мазкур МҲМСга ўтиш кабиларни ўз ичига олади. Демак, кўриниб турибдики, мазкур қисмда асосан, эътибор молиявий ҳисоботларни тузиш ва ҳисоб сиёсатини шакллантиришга қаратилади.

МҲМС (*IFRS for SMEs*)нинг “*Махсус қисми*” эса 23 та бобни ўз ичига олади. Ушбу боблар бевосита бухгалтерия ҳисобининг объектлари, яъни молиявий ҳисоботнинг элементларни тўлиқ ёритиб беради. Жумладан, асосий воситалар, инвестиция кўчмас мулки, гудвилдан ташқари номоддий активлар, бизнес бирлашувлари ва гудвил, таъсир остидаги ташкилотларга инвестициялар, биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар, активларнинг кадрсизланиши, захиралар, ижара, молиявий инструментлар, ҳаққоний қийматни баҳолаш, мажбуриятлар ва хусусий капитал, баҳоланган мажбуриятлар ва шартли ҳодисалар, тушум, давлат грантлари, қарзлар бўйича сарфлар, акцияга асосланган тўлов, ходимларнинг даромадлари, фойда солиғи, хорижий валютадаги операцияларни ҳисобга олиш, гиперинфляция, боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш ва махсус фаолиятлар.

МХМС (*IFRS for SMEs*)нинг “Иловалар қисми” эса 3 та иловадан иборат бўлиб, 1-илова “Атамалар луғати”, 2-илова “Инвентаризация ўтказиш тартиби бўйича амалий кўрсатмалар” ва 3-илова “Харажатларни таснифлаш бўйича амалий кўрсатмалар”дан ташкил топган.

Агар эътибор қилсак, мазкур МХМС лойиҳасида амалдаги 24 та БҲМСдан ташқари халқаро стандартларни қўллаш бўйича айрим қоидалар киритилган ёки номи ўзгартирилган. Шундай ўзгаришларга БҲМС таркибида аввал мажуд бўлмаган тартиб “Ходимларнинг даромадлари”, “Фойда солиғи”, “Гиперинфляция”, “Боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш” ҳамда “Махсус фаолият” каби-ларни киритиш мумкин.

МҲХСларининг янги матнини қўллаш жараёнидаги муҳим янгиликлардан яна бири Молия вазирлиги томонидан тадбиркорлик субъектларини МҲХСни қўллаш жараёнида қўллаб-қувватлаш тўғрисида “Ахборот хати” эълон қилинди. Унга кўра, Молия вазирлигининг МҲХСни қўллаш бўйича етакчи мутахасислари томонидан тадбиркорлик субъектларини МҲХСни қўллаш жараёнида қўллаб-қувватлаш учун куйидагилар тайёрланди:

биринчидан, бухгалтерия ҳисобининг намунавий счётлар режаси;

иккинчидан, МҲХС асосидаги молиявий

ҳисобот шакллари.

Бунда бухгалтерия ҳисобининг намунавий счётлар режаси тавсиявий характерга эга бўлиб, у асосида тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз фаолияти хусусиятини эътиборга олган ҳолда, субъектнинг ишчи счётлар режаси тайёрланиши мумкинлиги таъкидланади. Молия вазирлиги томонидан МҲХСни жорий этиш бўйича тайёрланаётган бундай қўлланма ҳамда кўрсатмалар мулкчилик шаклидан қатъий назар тадбиркорлик субъектларидаги бухгалтерия ҳисоби юритилишини босқичма-босқич халқаро стандартларга яқинлаштириш ва мувофиқлаштириш имкониятини яратади.

Ўз навбатида, МҲХС асосидаги илова қилинаётган молиявий ҳисобот шакллари тадбиркорлик субъектлари томонидан ваколатли органларга, шу жумладан, солиқ органларига тақдим этиш учун тўлдирилади. Бунда, тадбиркорлик субъектлари уларни керакли маълумотлар бериб боришда алоҳида сатрлар билан тўлдиришга ҳақли бўлади.

Шунингдек, Молия вазирлиги томонидан ушбу молиявий ҳисобот шакллари тақдим этиш муддатлари ҳам қайта кўриб чиқилмоқда. Натижада молиявий ҳисоботни тайёрлаш даврийлиги ва тузиш муддатлари тадбиркорлик субъектлари томонидан мустақил белгиланиши кўзда тутилган.

<i>Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) асосида молиявий ҳисобот тайёрловчи тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ҳисобот тақдим этишда куйидаги муддатлар:</i>	<i>МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисобот тайёрловчи тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ҳисобот тақдим этишнинг куйидаги муддатлари:</i>
<i>Йиллик ҳисобот учун – ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай; чорақлик ҳисобот учун – ҳисобот чораги тугагандан кейин 40 (қирқ) кун мобайнида.</i>	<i>Йиллик ҳисобот учун – ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 июнидан кечиктирмай; чорақлик ҳисобот учун – 2023 йилдан бошлаб, ҳисобот чораги тугагандан кейин 40 (қирқ) кун мобайнида.</i>

Мазкур молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг таклиф этилаётган муддатлари бир қатор ривожланган давлатлар, жумладан: Франция, Буюк Британия, Белгия, Германия, Жанубий Корея, Сингапур, Индонезия, Хитой, МДҲга аъзо давлатларнинг амалиётини чуқур таҳлил қилиш ва ўрганиш асосида белгиланди. Натижада молиявий ҳисоботни тўлдиришга доир қатор меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш ёки уларнинг айримларини бекор қилиш кўзда тутилган.

Демак, Ўзбекистонда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисоби тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

биринчи, 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди;

иккинчи, 2024 йил 1 январидан бошлаб, Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун МҲХС асосида (*IFRS for SMEs*) ишлаб чиқилган молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари (МҲМС) бўйича молиявий ҳисоботлар тақдим этилади.

Натижада, Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизими босқичма-босқич халқаро стандартларга (МҲХС) ўтиб боради ва тўлиқ мувофиқлаштирилади. Бу эса Туркий Давлатлар Ташкилотига аъзо мамлакатлардаги бухгалтерия ҳисоби тизими билан бир ҳиллиги ва ўзаро интеграциялашуви имкониятини беради.

Туркияда бухгалтерия ҳисоби тизими. Туркий давлатлар ташкилотининг энг йирик аъзоси бўлган Туркияда (ТДТ ҳудудини 19 фоиз, ЯИМни 68 фоиз ва аҳолини 50 фоизини ташкил этади) бухгалтерия ҳисоби тизими ТДТ аъзо давлатларга нисбатан ривожланган бўлиб ўзига хос жиҳатларига эгадир.

Туркия IFAD GAAP Конвергенция тадқиқоти киритилган Миллий профессионал таш-

килот веб-сайти: Туркия Сертификатланган бухгалтерлар палаталари иттифоқи;

Бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқувчи: Kamu Gözetimi, Muhasebe ve Denetim Standartlari Kurumu (KGGK);

IFAC аъзоларининг стандарт ўрнатиш ва тартибга солиш бўйича сўровига жавоби Жаҳон банкининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича ROSC ҳисоботи.

Маълумки, Туркияда 2022 йилдан бошлаб бухгалтерия ҳисоби тизими маҳаллий ва халқаро шаклдаги қатор ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши эълон қилинди, яъни:

биринчи, Туркияда янги қабул қилинган Тижорат Кодексига кўра, юрисдикцияланган ташкилотлар бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб-китобларни ва индивидуал ёки консолидацияланган молиявий ҳисоботларини Туркия бухгалтерия ҳисоби стандартлари (ТБҲС) ва Туркия молиявий ҳисобот стандартлари (TAS / TFRS) га мувофиқ юритиши шарт қилиб белгиланди. Бу ерда Туркия молиявий ҳисобот стандартлари (TFRS) эса молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг (МҲҲС) ўғридан-тўғри таржимаси ҳисобланади;

иккинчи, Туркия Савдо кодекси;

учинчи, қимматли қоғозлар бозори қонунлари.

Туркияда бухгалтерия ҳисоби стандартларини Kamu Gözetimi, Muhasebe ve Denetim Standartlari Kurumu (KGGK) белгилайди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Турк молиявий ҳисобот стандартлари (TFRS)га тўлиқ мос келади. Янги ва ўзгартирилган стандартлар расмий газетада нашр этилиши билан доимий равишда қабул қилинади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (МҲҲС)ни турк тилига таржима қилишдаги кечикишлар туфайли МҲҲС қуйидагиларнинг бири амал қилиши мумкин:

-компаниялар МҲҲС Фонди томонидан эълон қилинган МҲҲСнинг инглиз тилидаги расмий таржимасини қўллайди, бу ҳолда аудиторлик ҳисоботи ва тақдимотга асосланган изоҳда МҲҲСга мувофиқлиги тўғрисида аниқ хулоса берилади;

- компаниялар МҲҲС тўлиқ амал қилиши мумкин. Таржиманинг кечикиши туфайли аудиторлик хулосаси ва тақдимот изоҳининг асоси молиявий ҳисоботнинг “Туркияда қўллаш учун қабул қилинган МҲҲС” га мувофиқлигини кўрсатади.

Туркияда миллий стандартлари асосида тақдим этиладиган молиявий ҳисобот таркиби:

Бухгалтерия баланси;

Даромадлар тўғрисидаги маълумот;

Сотилган маҳсулот таннари ҳақидаги ҳисобот;

Пул маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Тақсимланмаган фойда тўғрисидаги ҳисобот;

Капитал ўзгаришлари ҳақидаги ҳисобот.

Туркияда МҲҲС талаблари бўйича тақдим этиладиган молиявий ҳисобот шакллари:

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;

Даромад ва харажатлар ҳамда ялпи даромад ҳақидаги ҳисобот;

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;

Капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;

Молиявий ҳисоботга изоҳлар.

Демак, Туркиядаги мавжуд бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизими молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича тўлиқ шакллантирилган бўлиб, бу ТДТ ўртасида ҳар томонлама алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қозоғистонда бухгалтерия ҳисоби тизими. Туркий давлатлар ташкилоти нинг ҳудудий жиҳатдан энг йирик бўлган (ТДТ ҳудудининг 64 фоизини ташкил этади).

Қозоғистонда кичик тадбиркорлик учун бухгалтерия ҳисоби “Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тўғрисида”ги қонун (2007 йил 28 феврал, №234-III ҚРК) ҳамда Молия вазирлигининг 2013 йил 31 декабрдаги 50-сонли “Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари ҳақида”ги буйруғи билан тартибга солинади (*Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2013 йил 8 феврал, 8328-сон*). Шунингдек, Қозоғистонда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари юқоридаги миллий стандартлардан ташқари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS) ёки кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS for SMEs) қўллаши мумкин.

Йирик субъектлар ва жамоат манфатдор ташкилотлар томонидан молиявий ҳисоботларни тузиш – МҲҲС асосида шакллантирилади. Бунда тўғридан-тўғри халқаро стандарт қоидаларига тўлиқ амал қилинади.

Ўрта тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, оператив бошқарувдаги давлат улушига эга корхоналари – кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун МҲҲС асосида молиявий ҳисоботларини тузади. Ушбу стандартлар МҲҲС Фондига тегишли бўлиб, Фонд томонидан ишлаб чиқилган қоидаларга риоя қилинади. Шунингдек, бу корхоналар хоҳласа тўлиқ МҲҲС бўйича ҳам шакллантириши мумкин. Демак, Қозоғистонда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш юқоридаги уч хил қоидалар асосида амалга оширилади.

Биз қуйида Қозоғистонда молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари (МҲМС)нинг

таркибий тузилишига тўхталиб ўтамиз. Мазкур стандарт молиявий ҳисоботнинг тамойиллари ва сифат хусусиятларини белгилайди ҳамда қуйидаги бўлимлар ва параграфларни ўз ичига олади:

1. Умумий қоидалар.

2. Параграф. Қўллаш соҳаси. 2. Параграф. Стандартда қўлланиладиган таърифлар. 3. Параграф. Молиявий ҳисоботнинг тамойиллари ва сифат хусусиятлари.

2. Бухгалтерия ҳисоби.

1. Параграф. Ҳисоб ҳужжатлари. 2. Параграф. Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби. 3. Параграф. Захиралар (ТМЗ) ҳисоби. 4. Параграф. 5. Ижра ҳисоби. 6. Параграф. Узоқ муддатли ишлаб чиқариш харажатлари ва қурилишдаги активлар ҳисоби. 7. Параграф. Инвестициялар ва курсдаги фарқлар ҳисоби. 8. Параграф. Даромад ва харажатлар ҳисоби.

3. Молиявий ҳисоботни тузиш.

1. Параграф. Молиявий ҳисобот. 2. Параграф. Молиявий ҳисоботнинг элементлари.

4. Ўтиш даври қоидалари.

Хулоса қилиш мумкинки, Қозоғистон бухгалтерия ҳисоби тизими халқаро стандартларга (МҲХС) ўтиш босқичида бўлиб, ТДТга аъзо давлатларнинг ҳисоб тизими билан ўзаро узвийликни таъминлайди

Қирғиз Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизими. Туркий давлатлар ташкилоти аъзоси бўлган Қирғиз Республикасида ҳам биз каби бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш билан боғлиқ қонун асосида амалга оширилади.

Яъни Қирғиз Республикасида 2002 йил 29 апрелида “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун қабул қилинган (қонунга сўнгги марта 2022 йил 9 августда (№93) ўзгартиришлар киритилган).

Қирғизистонда мулкчилик шаклидан қатъий назар, давлат манфаатдор шахслар ва йирик хўжалик юритувчи субъектлар учун Қирғизистон Республикаси ҳудудида қўлланилувчи бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг ягона услубий асоси Давлат тилига расмий таржима қилинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ҳисобланади (Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат ва расмий тилларда нашр этилади). Жамоат манфаатдорлиги субъектлари ва йирик тадбиркорлик субъектлари МҲХСга киритилган ўзгартишларни эълон қилинишидан олдин, Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда, кейинчалик молиявий ҳисоботга изоҳларда ошкор қилган ҳолда қўллаш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Қирғизистонда ҳам ўрта тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, оператив бошқарувдаги давлат улушига эга корхоналар –

кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун МҲХС асосида молиявий ҳисоботларини тузади (IFRS for SMEs).

Кичик бизнес субъектлари учун бухгалтерия ҳисобини Қирғиз Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган соддалаштирилган қоидаларга мувофиқ юритилади (бу кичик тадбиркорлик субъектлари учун алоҳида стандартлар тизими мавжуд эмас). Энг муҳими кичик бизнес субъектлари ихтиёрий асосда, танланган ҳисоб сиёсатига мувофиқ молиявий ҳисоботларини кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун МҲХС қоидалари асосида тузишга ҳақлидир.

Бухгалтерия ҳисоби қонунчилигига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъекти деганда қуйидаги мезонлардан бири чегарасидан ошмайдиган субъектлар тушунилади:

биринчи, ўтган ҳисобот йили якуни бўйича жами активлар қиймати – 35 миллион қирғиз сом пул бирлигига тенг корхоналар;

иккинчи, маҳсулот (ишлар ва хизматлар)ни сотишдан, қурилиш шартномаларидан, лизинг шартномаларидан, фоиз даромадларидан, шунингдек, корхонанинг ўтган йил охиридаги асосий фаолияти билан боғлиқ бошқа тушумлар миқдори ҳисобот йили учун - 30 млн. қирғиз сом пул бирлигига тенг корхоналар.

Қонунчилик асослари эса қуйидаги йўналишларда ташкил этилган:

- бухгалтерия ҳисоби ва унинг методологик асослари;
- бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга қўйилган умумий талаблар;
- молиявий ҳисобот.

Демак, Қирғиз Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизими молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари амалиётга кенг жорий этилиши билан тавсифланади. Бу эса ТДТ давлатлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожланиши учун муҳим воситалардан бири сифатида хизмат қилади.

Туркменистонда бухгалтерия ҳисоби тизими. Туркий Давлатлар Ташкилоти азолари ўртасида ўзига хос хусусияти билан ажралиб турувчи Туркменистонда бухгалтерия ҳисоби “Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тўғрисида”ги Туркменистон қонуни билан тартибга солинади (2010 йил 27 ноябр, № 155-IV).

Мазкур қонун Туркменистонда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимининг асосларини белгилайди, халқаро стандартларга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишнинг умумий қоидаларини ўрнатади.

Туркменистон Президентининг қарорига кўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтиш чора-тадбирлари белгилан-

ди. Бу эса. мамлакат иқтисодийтининг жаҳон хўжалик муносабатлари тизимига интеграциялашуви муносабати билан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга мувофиқ юритишга қаратилади.

Туркманистонда бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий-меъёрий асослари қуйидагилардан иборат:

“Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тўғрисида”ги қонун;

Давлат бюджети ташкилотлари учун молиявий ҳисоботларнинг миллий стандартлари;

Тадбиркорлик субъектлари учун молиявий ҳисоботларнинг миллий стандартлари;

Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш концепцияси;

Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича методологик кўрсатмалар.

Туркманистонда молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари (МХМС) қуйидаги стандартларни ўз ичига олади, жумладан: молиявий ҳисоботни тақдим этиш; консолидациялашган ҳисобот; пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот; ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар; боғлиқ томонлар ўртасидаги ахборотларни ёритиб бериш; ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳосидаги ўзгаришлар ва хатолар; захирлар; асосий воситалар; номоддий активлар; инвестицион мулк; қишлоқ хўжалиги; фойдали қазилмаларни излаш ва баҳолаш; сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар; инвестиция ва ассоциалашган корхоналар; молиявий инструментлар; баҳолаш бўйича резервлар; ходимларни рағбатлантириш; фойда солиғи; займлар бўйича харажатлар; тушум; ижара; валюта курсидаги ўзгаришларни акс эттириш; қурилиш учун шартномалар; давлат субсидиялари ҳисоби ва ахборотларни очиб бериш; ҳамда молиявий ҳисоботлар миллий стандартларини биринчи марта қўллаш.

Туркманистонда 2019 йилдан бошлаб хўжалик субъектларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС) ўтиши, мамла-

катда ҳисоб тизими ривожланишининг янги босқичга кирганлигидан далолат беради. Ўз навбатида, ТДТ ўртасидаги иқтисодий интеграция жараёни фаол бўлишини таъминлайди.

Озарбайжонда бухгалтерия ҳисоби тизими. Туркий давлатлар ташкилотининг сўнгги йиллардаги фаол аъзоси бўлиб турган Озарбайжонда 2004 йил 29 июнда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун (№ 716-ИҚ) билан бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асослари яратилган (охирги марта 2021 йил 29 октябрда ўзгартиришлар киритилган №391-ИҚД).

Озарбайжонда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари тушунчасига – бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, ушбу соҳага ихтисослашган халқаро ташкилот томонидан қабул қилинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва ушбу халқаро ташкилотнинг ушбу стандартларга шарҳларинг киритилиши белгиланган.

Мамлакатда Давлат сектори бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бу соҳага ихтисослашган халқаро ташкилот томонидан қабул қилинган ва давлат сектори учун тақдим этилган халқаро стандартлар тушунилади. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес учун соҳага ихтисослашган халқаро ташкилот (МХХС Фонди) томонидан қабул қилинган ва кичик ва ўрта бизнес учун тақдим этилган халқаро стандартлар (IFRS for SMEs) дан фойдаланилади. Демак, Озарбайжонда ҳам бухгалтерия ҳисоби тизими тўлиқ халқаро стандартлар (МХХС) талабларига жавоб беради. Бу эса ўз навбатида ТДТ ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада ривожланишида муҳим ахборот манбаи сифатида хизмат қилади.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Туркий давлатлар ташкилотига (ТДТ) аъзо мамлакатларнинг бухгалтерия ҳисоби тизими ўртасида деярли катта фарқ мавжуд эмас.

1-жадвал

ТДТга аъзо мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби тизими

№	Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)га аъзо мамлакатлар	Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимига жорий этилган стандартлар			ТДТнинг иқтисодий ҳамкорлигидаги ишончли маълумотларни олиш имкониятини беради
		Йирик акционерлик жамиятлари, банклар ва суғурта компаниялари учун МХХС асосида (IFRS)	Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун МХХС асосида (IFRS for SMEs)	Бошқа тадбиркорлик субъектлари учун МХМС асосида	
	Туркия	+	+	+	
	Қозоғистон	+	+	+	
	Қирғизистон	+	+	+	
	Озарбайжон	+	+	+	
	Туркманистон	+	+	+	
	Ўзбекистон	+	+	+	

ТДТга аъзо мамлакатлар бухгалтерия ҳисоби тизимининг ўзаро боғлиқлиги улардаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг янада ривожланиши ҳамда мамлакатлар ўртасида инвестиция оқими кўпайишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар. Туркий Давлатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорликнинг иқтисодий самарасини Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин. 2021 йили Ўзбекистон ТДТ давлатлари билан 9,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида савдо операцияларини амалга оширди. Уларнинг Ўзбекистон ташқи савдосидаги улуши 22 фоиздан зиёдни ташкил этди. Умуман, 2016 йилга нисбатан 2021 йили Ўзбекистон ва ТДТ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми қарийб 3 баробар ошди.

Туркий Давлатлар Ташкилотига аъзолик давлатимиз ва халқимизга қуйидаги имкониятларни яратади:

биринчидан, Ўзбекистоннинг дунёнинг ривожланган 50 та давлати қаторига киришига имкон берувчи ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда жамиятимизнинг барча соҳаларда модернизация жараёнларини кучайтириш; халқимизнинг миллий ўзлиги, тарихий ўтмиши, тили, маданияти ва маънавияти билан боғлиқ азалий қадриятларни қўшимча воситалар билан мустаҳкамлашга кенг йўл очиб беради;

иккинчидан, халқаро ва минтақа миқёсидаги илгари сураётган ташаббус ва таклифлари ҳамда дўстона ва тинчликпарвар ташқи сиёсатини амалга оширишда яна бир йирик минтақавий халқаро ташкилот орқали янги имкониятлар очилади. Қолаверса, Ташкилот доирасида кўп томонлама ҳамкорликдан икки томонлама ривожлантириш имкони яратилади;

учинчидан, аъзо ва кузатувчи мамлакатлар ўртасида нафақат маданий-маънавий алоқалар, балки савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳам янги босқичга кўтарилишига ҳамда ўзаро борди-келдилар, қардошлиқ қадриятларини қайта тиклаш ва мустаҳкамлашга, ривожлантиришга, визасиз тартиб асосида туристлар оқимини янада оширишга қўшимча имкониятлар беради;

тўртинчидан, Истанбулда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши платформаси яратилганидан кейин Самарқанддаги саммит аъзо-мамлакатлар раҳбарларининг янги форматдаги биринчи учрашуви бўлди;

бешинчидан, бундай салоҳият ва имкониятларни юқоридаги қадриятлар асосида бир Ташкилот доирасида жамлаш ва ижобий томонга йўналтириш ҳозирги беқарор геосиёсий шароитда стратегик аҳамиятга эга. Чунки бундай шароитда ҳамжиҳатлилик ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан ҳозирги дунёда юзага келаётган ноаниқликларни барча синов ва таҳдидларни осонлик билан енгиб ўтиш ҳамда мав-

жуд муаммоларни ҳал этишга янги имкониятлар беради.

Туркий давлатлар ташкилоти аъзоларидаги бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимини тадқиқ этиш натижасида шундай хулосани шакллантириш мумкинки, ушбу давлатлардаги бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизими деярли ўзаро яқин ва бир бирини тўлдиради, жумладан:

- ҳар бир давлат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС) тўлиқ ўтган ёки ўтиш даврини бошидан кечирмоқда;

- кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун МХХС асосида молиявий стандартларни (IFRS for SMEs) қўллайди;

- халқаро стандартларни (IFRS ва IFRS for SMEs) қўллаш мажбурий бўлмаган тадбиркорлик субъектлари учун молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари (МХМС) жорий этилган.

Демак, ТДТ аъзо давлатлардаги бухгалтерия ҳисоби тизимининг муштараклиги қуйидаги йўналишларда амалга ошириладиган ислохотлар бўйича ишончли ахборотларни таъминлаш имкониятини яратади, жумладан:

Биринчи йўналиш – *иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва ўзаро савдо ҳажмини ошириш*. Мазкур йўналиш доирасида ТДТ ҳузурида Инвестиция фонди ва Тараққиёт банкни яратиш ғоялари ҳам истиқболли саналади. Бундай лойиҳалар мамлакатларга ўз саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва инвестицияларни янада самарали бошқариш имконини беради. Ташкилот дунёда биринчи марта Ўзбекистон ва Туркия ўртасида ePermit лойиҳасини тест режимида ишга туширишга муваффақ бўлди, кейинги босқичда эса Қозоғистон билан ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича келишув мавжуд.

Иккинчи йўналиш – *рақамли трансформация*. Бугунги кунда рақамлаштириш ҳар бир давлат учун ривожланишнинг энг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Шунинг учун бу масала ТДТ учун энг долзарбдир. Бу йўналишдаги мақсадлар 2021 йили “Турк дунёси нигоҳи – 2040” стратегик ҳужжатида кўрсатилган эди. Жумладан, ҳужжатда телекоммуникация инфратузилмасини яхшилашга имкон берувчи минтақалараро рақамли алоқани ўрнатиш назарда тутилган.

Учинчи йўналиш – *маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш*. Тарихан ТДТ иштирокчи мамлакатлари халқлари бир хил илдизларга эга. Шу боис маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш ТДТ мамлакатлари учун алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, таълим ва илмий муассасалар ўртасидаги ҳамкорлик, академик алмашинув, қўшма маданий тадбирлар. Шу муносабат билан Туркий маданият ва санъатни биргаликда ривожлантириш ташкилоти

доирасидаги ҳамкорлик нуқталарини кенгайтириш лозим.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ТДТ туркий тилли мамлакатларни бирлаштирган, кўплаб соҳаларда ривожланиш истиқболларига эга истиқболли минтақавий ташкилотдир. Шунинг учун ушбу ташкилотнинг барча аъзолари, шу

жумладан, Ўзбекистон учун ТДТ доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳар томонлама ривожланиш ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишни ошириш ва мамлакатлар тараққиётини рағбатлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Thalassinou, I.E. and Liapis, K. 2014. *Segmental financial reporting and the internationalization of the banking sector. Chapter book in, Risk Management: Strategies for Economic Development and Challenges in the Financial System, (eds), D. Milos Sprcic, Nova Publishers, 221-255, ISBN: 978-163321539-9; 978-163321496-5.*
2. Suryanto, T., Thalassinou, I.E. 2017. *Cultural ethics and consequences in whistle-blowing among professional accountants: An empirical analysis. Journal of Applied Economic Sciences, 12(6), 1725-1731.*
3. Dan Dhaliwal, Wen He, Yan Li, Raynolde Pereira. *Accounting Standards Harmonization and Financial Integration. Contemporary Accounting Research. Pages: 2437-2466 First Published: 28 March 2019*
4. Lambert R., Leuz, Chr., Verrecchia, R.E. [2007]. *Accounting Information, Disclosure, and the Cost of Capital. Journal of Accounting Research 45:(issue 2), 385-420 p*
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сонли қарори. 2020 йил 24 феврал.
6. “Ўзбекистон 24” (2022). Туркий давлатлар ташкилоти Самарқанд саммити. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Нодир Жумаев билан жонли мулоқати. 10.11.2022 йил.
7. “Coffee Time” лойиҳаси (2022): (<https://t.me/uzlideo/24676>) Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлиси тафсилотлари юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Нодир Жумаев билан муносабат.
8. Жумаев Н.Х. (2022). Ўзбекистон ва Туркманистон: ҳамкорлигимиз манфаатли, самарадор. //XXI asr, 2022 йил 27 октябрь, 43 (989).
9. Жумаев Н.Х. (2022). Халқимиз рўшнолик кўришига ҳақли. //Халқ сўзи. 2022 йил 11 октябрь, №220 (8282).
10. Хошимов Э.А. (2022). Ислохотларнинг ҳаёт бахш самаралари. //Халқ сўзи. 2022 йил 15 октябрь, №224 (8286).
11. Kichik va o'rtta biznes subyektlari uchun Moliyaviy hisobotning milliy standarti ishlab chiqildi. *MoliyaPress* September 29, 2022. [Kichik va o'rtta biznes subyektlari uchun Moliyaviy hisobotning milliy standarti ishlab chiqildi – Telegraph](https://t.me/uzlideo/24676) (Молия вазирлигининг Ахборот хизмати).
12. Ризаев Н.К, Баракаев О.О. (2022) Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС ҳужжатлари) бўйича янги матн қўлланилмоқда. “Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш”. Халқаро илмий-амалий конф мат. тўплами. – Т.: ТМИ, 2022 йил. 5-9-б.
13. Ризаев Н.К, Ибрагимов А.К. (2020) Молиявий ҳисобот ва пандемия (COVID-19). “Молия ва банк иши” электрон-илмий журнали. – Тошкент, №2.
14. Rizaev N.K. *Issues of adjusting national standards in compliance with international standards in Uzbekistan (Evidence from accounting policy). ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSIYA, 2022 1(1), 94–104. Retrieved from. <http://ilmiytadqiqot.uz/index.php/iti/article/view/14>*
15. Rizaev N. Kadirov S. *Adjusting national accounting standards in compliance with international standards in Uzbekistan (as exemplified by intangible assets). PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS. VOLUME 2, ISSUE 19 JANUARY 2023. Collection of Scientific Works. BERLIN 11 JANUARY 2023 Interonconf.com. 93-108 б.*
16. Jumaev Nadir Hosiyatovich, Rizaev Nurbek Kadirovich, & Isaev Fakhridin Ikromovich. (2023). ORGANIZATION OF TURKIC STATES: INTEROPERATION AND ACCOUNTING SYSTEM. *British Journal of Global Ecology and Sustainable Development*, 13, 116–129. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bigesd/article/view/245>



ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Азимова Феруза Пайзиевна -
Тошкент тўқимачилик ва енгил
саноат институти доцент

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a11

Аннотация. Ушбу мақолада тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда молиявий натижаларни тавсифловчи кўрсаткичлар ҳолатини таҳлил қилишга эътибор қаратилган. Молиявий натижалар хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида аниқлаш мумкинлиги тавсифланган.

Калит сўзлар: корхона, тўқимачилик, молиявий натижа, фойда, зарар, маҳсулот сифати, чиқим, харажатлар, сарфлар, рентабеллик, таннарх, ишлаб чиқариш, таҳлил, натижа.